

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ БИР ЙЎЛА МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бюджет ташкилотлари ва муассасалари ходимларининг ҳалол меҳнати моддий рағбатлантириш мақсадида ҳамда кириб келатган Янги — 2009 йил байрами муносабати билан:

1. 2008 йилнинг декабрь ойида бюджет ташкилотлари ва муассасалари ходимлари ойлик лавозим маошининг 10 фоизи миқдоридан пул билан бир йўла мукофотлансин.
2. Бюджет ташкилотлари ходимларига бир йўла пул мукофоти тўлаш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур мукофотни тўлаш тартиби ва манбаларини белгиласин.
4. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳўжалик ҳисобидagi қорхона ва ташкилотларга ўз ходимларини шахсий маблағлари ҳисобидан бир йўла мукофотлаш тавсия этилсин.
5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф. М. Муллахонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И. КАРИМОВ.**
Тошкент шаҳри, 2008 йил 25 декабрь.



«ҚУВОНЧ» БИРИНЧИ ЎРИНДА

Янгийўл шаҳридаги 13-«Қувонч» мактабгача таълим муассасасида турли ўйинлар, қизиқарли машғулотлар болалар вақтини кўнглили ўтказишларига хизмат қилмоқда.

— Боғчамизда 250 бола тарбияланмоқда, — дейди мудира Нигора Болтабоева. — Тайёрлов гуруҳида инглиз тили ўрганилади. Табиат бурчагидagi машғулотлар тарбияланувчиларимиз

шахмат бўйича вилоят мусобақасида иккинчи ўринни эгаллади.
СУРАТЛАРДА:
боғча мудираси Нигора Болтабоева; тарбиячи Фая Шафиева тайёрлов гуруҳи болалари билан машғулот ўтказмоқда.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

2009 йил 4 январь якшанба дам олиш кунини 2009 йил 2 январь жумага кўчириш тўғрисида

Янги йил байрами муносабати билан ҳамда аҳолини дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2009 йил 4 январь якшанба дам олиш кунини 2009 йил 2 январь жумага кўчирилсин. 4 январь якшанба кунини иш кунини деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
2008 йил 24 декабрь.

Фармон ва ижро

Вилоят ҳокимлигида республика Президентининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони ва «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросига бағишланган йилгилиш бўлиб ўтди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЪНАВИЯТ

Унда вилоятнинг барча жамоат ташкилоти вакиллари, раҳбар аёллар клуби аъзолари, шаҳар, туман ҳокимлари ўринбосарлари — хотин-қизлар кўмиталари раислари, маҳаллалар фаоллари, маслаҳатчилари иштирок этишди.

— Мамлакатимизда инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш борасида Юртбошимиз раҳбарлигида олиб борилаётган хайрли саъй-ҳаракатларни эслатиб ўтишнинг ҳожати бўлмас керак, — деди вилоят ҳокими Рустам Холматов. — Ҳамиятимиз фаровонлиги, хонадонларимиз ободлиги, фарзандларимизнинг соғломлиги, юксак маънавияти аввал аёлларимизга, оналаримизга, опа-сингилларимизга ҳар жиҳатдан боғлиқ. Ҳар бир муаммо ечимининг калити юксак маънавиятда эканлигини унутмайлик.

— Маънавият — инсоннинг юрш-туриши, ташқи кифоси ва ички дунёси инъикосидир, — деди йилгилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўлими раҳбари Тамара Тиллаева. — Энг аввало, ҳуқуқий саводхонлиқни, айниқса аёлларимиз ўртасида кучайтиришимиз зарур. Ойлада фарзанд тарбиясига масъул бўлган ота-онанинг ўзи ҳар томонлама саводхон бўлиши керак. Қонунларни мукаммал билган одам уни бузишга журъат этмайди. Шундангина «Одам савдоси» деган энг тубан иллатнинг урчишига йўл қўйилмайди.

Йилгилишда шунингдек, удулларимизни хурмат қилиш, ойда эркак ва аёл, фарзандлар ўртасидаги муносабатлар, йилги-қизлар тарбияси, тиббий, экологик маданият, никоҳ шартномаси, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, миллий урф-одатларини, тўйларимизда учрайдиган исрофгарчиликлар ҳақида сўз борди.

Сайра РИХСИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

Бу ҳақда вилоят сессиясида гапирилган эди

Бошқарув ва назорат ишларининг ўз ҳолига ташлаб қўйилгани натижасида вилоятда... 2008 йилнинг 1 ноябригача барча турдаги коммунал хизматлар учун тўлов муддатни ўтказиб юборилган қарзлар тахминан 100 миллиард сўмини ташкил этиб, йил бошига нисбатан 45 миллиард сўмга ошиб кетган.

Ислоом КАРИМОВ.

Бугунги турмушимизни газ, электр, сув таъминоти каби коммунал хизматларсиз тасаввур қилиш қийин. Бу учун неъмат ҳар доим, ҳар қандай ҳушимизда қоримизга ярайди. Учоқда ўтин ёқиб, овқат пишириш, қудудан сув ичиш, чироқ ўрнига шам ёқиб ўтириш эндиликда ҳеч кимга ёқмайди.

Ҳўш, коммунал хизматлардан фойдаланиш бизнинг ҳаётий эҳтиёжимизга айланиб улгурган бўлса, уларнинг ҳақини ҳам ўз вақтида тўлаб боришга виждон амри сифатида қараяликми? Биз шу саволга жавоб олиш учун Ўртачирчиқ туманида бўлдик.

Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида давлатимиз раҳбари вилоят коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида бошқарув ва назорат ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, қарздорлик кўн саъй ортиб бораётганини далиллар асосида қаттиқ танқид қилди. Ўртачирчиқ туманидаги аҳоли билан танишганимизда Юртбошимизнинг эътирозлари тўғрисида амин бўлдик. Тумандаги 15 та қишлоқ ва 9 та маҳаллада 170 миң аҳоли истиқомат қилади. Ҳозирги кунда туман бўйича газдан қарздорлик 5 миллиард 112 миң доллар 700 миң сўмга етди. Шундан 4 миллиард 658 миң доллар сўми аҳолига тегишли. Йил бошида аҳолининг қарзи 4 миллиард сўмга ҳам бормасди. Бир йилда бундай ўзгариш кишини нафақат ўйлантириши, балки қаттиқ ташвишга солиши керак, албатта.

Биз туман ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари, коммунал қарздорлиқни мувофиқлаштириш комиссияси раиси Фахриддин Каримов билан мавжуд муаммоларни вазиёт бўйича сўбатлашмоқчи бўлдик. Лекин у киши коммунал соҳадан бошқа муҳим муқасаллар устида бош қотираётганлари учун бизга умуман вақт ажратмадилар. — Коммунал соҳа билан биринчи муовин шуғулланиши керак аслида, — дед биз инорозилик кайфиятида қарши олди Ф. Каримов. — Аксига олиб биринчи муовиннинг ўзи йўқ. Шу сабаб ҳамма ишлар менга қолиб кетди. Битта ўзим қарзи биланга улгурушим керак?! Ҳозир сизлар билан гаплашишга ҳам вақтим йўқ.

Ониги, биз бундай муносабатни кутмагандик. Наҳотки, вилоят миқёсида доллар билан ҳисобланган коммунал хизматдан миллиардлаб қарздорлик ҳоким ўринбосари

уқун кейинги даражада иш бўлса? Наилж, ҳоким ўринбосари бизга бириктириб берган мутахассис билан атрофлича гаплашишдан бошқа чорамиз қолмади.

— Тўғриси, бундай чигал вазиётнинг юзага келишида

нинг тагига етганимизда, 500 сўмини ўзлиги компьютерга қўшиб ёзишганига амин бўлдим. Анча тортишувдан сўнг рақамларни жойига келтириб қўйишди. Агар индамай кетганимизда, ойига 30 миңг эмас, 45 миң сўм тўла-

кетган. 2008 йилнинг биринчи ойида эса, умумий қарздорлик 4 миллиард 268 миллион сўмга қикдан. Шундан 3 миллиард 850 миллион сўми аҳоли ҳисобига тўғри келаётди. Демак, туман аҳолисининг қарздорлиги ҳар йили 1 миллиард сўм атрофида ортиб бораётди.

Ҳўш, аҳолининг газдан қарзи катта экан, бунинг асосий сабаби нимада? Биз бунини аниқлаш учун аҳоли вакиллари билан ҳам сўбатлашдик.

Саломат Қўшбоева Янги турмуш қишлоғи Дегактепа маҳалласи 6-ўйда истиқомат қилади. Бу хонадоннинг газ-

ки қарзларининг нима сабабдан камайиш ўрнига қўлайиб бораётганида. Агар хонадон соҳиблари коммунал тўловларини ҳар ойда қанда қилмай, тўлаб боришга оdatланишса, ўзларига енгил бўларди.

— Биз катта қарзларни ундириш учун охириги чора сифатида судга ҳужжат тақдим этишга мажбур бўламиз, — дейди Рустам Аширматов. — Суд ва суд ижрочиларининг муносабатини кўриб эса, асабимиз бузилади. Уларнинг асосий мақсади коммунал қарзни эмас, давлат божини ундириб олиш бўлади.

«Ишлашни хоҳлаган имкон топади, хоҳламаган баҳона» деганларидек, соҳага мутасадди раҳбарлар баҳона-сабаб излагуларича, тумандаги қорхона ва ташкилотларнинг ҳам газдан қарзи ортса ортаятики, ҳеч камаймаяпти. Рўйхатнинг бошида «ТS1 Корасув пахта» қорхонаси турибди. Унинг қарзи 32 миллион 208 миң сўмга етган. Бу ҳақда қорхонадагилар ҳеч бош қотиришайтими?

— Қарзимиз бунча бўлиши мумкин эмас. Газ идорасидагилар бу қарзларни осмондан олиб ёзишадими дейман-да, — дейди эътироз оҳангига қорхона раҳбари Комилжон Қараулов. — Агар қорхонанинг қарзи бўлса ҳам бу менинг айбим эмас. Яқин йиллар ичида 4-5 та раҳбар ўзгариб кетди. Мен эса яқинда раҳбарликни бошладим. Раҳбарлар кўйимсизлиги бўлганидан кейин мен нима қила олардим?!

«Иссиқлик манбаи» қорхонаси ва туман пиллаxonаси ҳам қарздорлик рўйхатида. Ҳар бирининг қарзи миллион сўмдан ошган. Биз ҳар иккала қорхонадаги аҳоли билан танишганимизда, меҳнат жараёни, иш суръати қоникарли эмаслиги амин бўлдик. «Иссиқлик манбаи» қорхонаси банкротлик ҳолатига келиб қолган. Юртбошимиз айтганларидек, бу қорхонани молиявий инқироздан чиқариш, соғломлаштириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар қўриш ўрнига, у ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Давлатимиз раҳбари навбатдан ташқари сессияда бугунги кундаги барча соҳаларда қоникарсиз аҳолига энг асосий сабаб ҳар қайси раҳбар, қўпгина фаолларнинг ўз вазиётига соғломлик билан қарашида, ўз ишини ташкил қилишга қурб етмаслигида, уларнинг зamon талабларига жавоб бера олмаслигида, бир сўз билан айтганда, уларнинг зафилигида қўришаётганини алоҳида таъкидлади. Биз Ўртачирчиқ туманида коммунал хизматлар учун тўловларнинг аҳоли билан имкон қадар танишиш жараёнида Юртбошимизнинг хулосалари нақадар ўринли эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Туманда газдан қарздор фуқаролар рўйхатини давом эттиришимиз мумкин. Минг-либ ўринбосар (304 миң сўм), Алижон Аширматов (208 миң сўм), Раъно Душаева (292 миң сўм), Жумабой Қўзибоев (220 миң сўм)... Лекин гап рўйхатнинг узун-қисқалигига эмас, бал-

дан қарзи 475 миң сўмга етган. Газ идораси ходими Раҳматилла Убайдуллоевнинг айтишича, хонадон эгалари охириги мартта 2007 йилнинг февраль ойида газ учун пул тўлашган. Шундан буёғига, яъни икки йил мобайнида Қўшбоевлар газдан қарзимиз борми-йўқми дега қизиқиб ҳам қўришмаган.

— Қарзимиз шу даражада қўпчилиги билмаган эдим, — деди хонадон келини Қўшбоева. — Бундай масалаларни фақат қайнонам, ҳўжаимини ва қайнонам ҳам қўришди. Тўғри, газ идорасидан келиб, қарзимиз борлигини айтишди. Уйдагилар тўлаймиз-тўлаймиз, дея шу кунгача қўзиб келишмаяпти. Бунинг устига ҳисобдон ўрнатмаганимиз ҳам чатак бўлмаяпти.

Шу маҳалланнинг 91-А уйда яшовчи Абдувосит Халиловнинг хонадонига қоникарсиз аҳолига энг асосий сабаб ҳар қайси раҳбар, қўпгина фаолларнинг ўз вазиётига соғломлик билан қарашиди, ўз ишини ташкил қилишга қурб етмаслигида, уларнинг зamon талабларига жавоб бера олмаслигида, бир сўз билан айтганда, уларнинг зафилигида қўришаётганини алоҳида таъкидлади. Биз Ўртачирчиқ туманида коммунал хизматлар учун тўловларнинг аҳоли билан имкон қадар танишиш жараёнида Юртбошимизнинг хулосалари нақадар ўринли эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Ҳуршида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИ ИСТИҚБОЛЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Вилоят адлия бошқармасида адвокатурани янада ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган ўқув-машғулот бўлиб ўтди. Унда адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи фирма ва бюро раҳбарлари иштирок этишди.

— Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасида адвокатурани институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, — деди вилоят адлия бошқармаси бошлигининг ўринбосари Гулсара Исаонова, — фуқароларнинг тергов ва суд жараёнидаги малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустақамлаш, адвокатурани ташкилий мустақиллигини таъминлаш ва юқори малакали кадрлар билан тўлдирish, адвокатларнинг мустақиллиги

кафолатларини қучайтириш, ушбу касбнинг обрў ва нуфузини ошириш мақсадларини қўлайди.

Иштирокчилар «Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларнинг давлат ҳисобига ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низоом қондалари ва мажбуриятлари билан баътафсил таништирилди. Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«НАВРЎЗ — БОҚИЙ БАЙРАМ»

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Халқаро «Наврўз» хайрият жамғармаси билан ҳамкорликда халқимизга хос бўлган меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайр-саховат каби фазилатларини, шунингдек, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, аҳиллик, ўзаро ҳурмат сингари миллий қадриятларимизни фуқаролар, айниқса, ёшлар онгу шуғурига чуқурроқ сингдиришда ОАВнинг ролини қучайтириш, журналистларнинг фаоллигини ошириш ҳамда уларда янги ижодий ёндошувларни шакллантиришнинг рағбатлантириш мақсадида «Наврўз — боқий байрам» танловини эълон қилади.

Янгилиниш ва яшарлиқ фасли, умумхалқ байрами — Наврўзга бағишлаб ўтказилган бу танловга 2008 йилнинг 20 февралдан 2009 йилнинг 20 февралгача — бир йил мобайнида телевидение орқали кўрсатилган, радиода эфирга узатилган, газета ва журналларда босилган ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган материаллар 2009 йилнинг 1 мартгача қабул қилинади.

«Наврўз — боқий байрам» танлови қуйидаги номинатциялар бўйича ўтказилади:

- телевидение бўйича энг яхши журналистик иш учун;
- радио бўйича энг яхши журналистик иш учун;
- даврий матбуот бўйича энг яхши журналистик иш учун;
- Интернет нашрлар бўйича энг яхши журналистик иш учун.

Ҳар бир номинатция бўйича учта: 1-, 2-, 3-ўрин таъсис қилинади. Ҳолиблар олган ўринларига қараб қиймати турлича бўлган ноутбуклар билан мукофотланадилар.

Булардан ташқари мавзунин энг яхши ёритган ОАВ таҳририятлари учун ҳам учта: 1-, 2-, 3-ўрин учун мукофотлар таъсис этилади. Ҳолиб таҳририятлар олган ўринларига қараб, қиймати турлича бўлган компьютер тўпламлари билан мукофотланади.

Танловга қамидда 5 та ижодий иш тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга муаллиф ва унинг ижодий фаолияти ҳақида қисқача маълумот, иш ва яшаш манзили, телефонлари ва паспорт маълумотлари илова қилиниши керак.

Танлов ғолиблари Наврўз байрами арафасида тақдирланадилар ва уларнинг номлари матбуотда эълон қилинади.

Материаллар «Наврўз — боқий байрам» деб кўрсатилган қолда 2009 йил 1 мартгача қўйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй.
3 қават 30-, 35- ва 37-қўйиш.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси.
Телефонлар: 244-64-61, 244-64-62, 244-37-87.

Танлов

БИЛИМЛАРИНИ ТЎЛА НАМОЁН ЭТИШДИ

Қибрай қишлоқ ҳўжалиги коллежида ўқувчи-ёшлар ўртасида "Қишлоқ ҳўжалиги механизациялаш" мавзусига бағишлаб биринчи республика танлови ўтказилди.

Кўпчиликнинг эътиборини жалб этган танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Фарғона, Жиззах ва бошқа қатор вилоятлардан касб-хўнар коллежларини тамомлаётган 11 нафар ўқувчи иштирок этди. Қибрай қишлоқ ҳўнар коллежи ўқувчиси Наврўзбек Собитов вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, танлов голиби бўлди.

Чўқур назарий билим олганлари ва амалий кўникма ҳрсил қилганларини намойиш этдилар. Ўқувчилар ўз мутахассисликларига оид қатор саволларга ҳам малакали жавоб беришга ҳаракат қилдилар. Диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланганларнинг танлов талаблари бўйича вазифаларни муваффақиятли удралаганларидан маълум бўлдики, деди Қибрай қишлоқ ҳўжалиги коллежи ўқувчиси Серикбой Утегенов, қишлоқ ҳўжалик ходимлари сафи янги, малакали мутахассислар билан бойийди.

Бу фикрга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, Қибрай коллежининг ўзида республиканинг турли бурчакларидан келган 680 ўқувчи аграр тармоқ учун зарур бўлган олти турдаги касб бўйича таълим олмақда. Мустақкам техник база, мукамал таъминланган лаборатория, акборот-ресурс маркази, компьютер синфлари улар ихтиёрида. Амалий машғулотлар билан 4 гектарли суғориладиган тажриба майдонидан шугулланишади. Бундай шароитлар қишлоқ ҳўжалиги учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш имконини янада кенгайтиради.

СУРАТДА: Танловдан лавҳа. Сергей ЛЕВЧЕНКО олган сурат.



Долзарб мавзу

РЕЖАЛИНИНГ ИШИ ПУХТА

Ҳамма нарсада ҳисоб-китоб пухта бўлиши керак. Чунки, ҳалқ мақолида айтилганидек, "ҳисобини билмаган ҳаёминда айрилар". Тодбиркор ҳам, ишбилармон ҳам, ҳатто, катта бизнесчи ҳам фойда-зарарини ҳисоблаб, кейин бир ишга қўл уради. Кейинги пайларда бизнес-режалар оммавий ахборот воситалари фаолиятини ҳам қамраб олди.

Иккинчидан, истеъмолчи, яъни газетхоннинг қизиқишларини ҳисобга олиш ҳамда тахририят томонидан газетага обуна бўлган фуқароларга йилда бир марта ўз эълони ёки табригини бепул жойлаштириш имконини белгилаш ҳам яхши натижа беради. Бу борада Уртачирчиқ туман "Машъал" газетасида яхши тажриба тўпалган.

Ҳам алоҳида боблар киритса фойдалан холи бўлмасди. Қолаверса, бизнес-режаларда махсуслот сифатига ҳам алоҳида эътибор қаратиш керак. Чунки сифати махсуслот даромадни кўпайтириш имконини кенгайтиради. Газетанинг чироийлиги беэтиборлик, саргавҳаларнинг мазмундорлигига эришиш ва дизайннинг бежиримлиги афвдинг ошишига хизмат қилади.

ДАЕВОО INTERNATIONAL ЎЗБЕКИСТОНГА 40 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИ МИҚДОРИДА САРМОЯ КИРИТАДИ

Ўзбекистонда хорийки инвесторлар иштирокида нефть-газ тармоғи кенг қўламда ривожлантирилмоқда. Шундай ҳақдорлардан бири Daewoo International корпорацияси 2009-2011 йилларда Устюрт нефть-газ ҳудудига геология-қидирув ишларини ўтказиш учун инвестиция сарфлашни режалаштирмоқда.

Шу мақсадда "Ўзбекнефтегаз" миллий холдинг компанияси ва Daewoo International корпорацияси "2008 йил 25 февралдаги Ўзбекистон Республикаси-нинг Устюрт ҳудудига Коскудук ва Ашбўлоқ инвестиция блокларига геология-қидирув ишларини ўтказиш бўйича битимнинг кўчга кириши тўғрисида"ги протоколни имзолади.

Daewoo билан бир қаторда ёқилғи-энергетика соҳасида амалга ошириладиган қатор муҳим лойиҳаларда иштирок этиш ниятида. Хусусан, Корея Республикаси ва Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлик форумининг яқинда бўлиб ўтган иккинчи йиғилиши доирасида "Ўзбекнефтегаз" миллий холдинг компанияси ва "DongHo ENC" компанияси ўртасида Узаро англашув тўғрисида меморандум имзоланди.

Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЎАЖ бошланғич баҳоси бошиқма-бошиқ охиб бориш тартибидан 2008 йил 29 январь куни соат 12.00 да ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

- Аукцион савдосига такордан, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг 28.08.2008 йилдаги 221-Д-сонли буйруғига асосан, мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эғалик қилиш мақсадида фуқароларга деҳдон ҳўжалик юритиш учун хусусий мулк сифатида сотилиши белгиланган, Қўйичирчиқ туманидаги, жами 272 та, ҳар бирининг сатхи 0,06га бўлган қуйидаги ер майдонлари қўйилмоқда:
1. "Майдонтол" қ.ф.й., "Меҳнатобод" ф/х, Марказий кўчасида жойлашган, жами 26та: 2, 3, 4, 5, 6, 8, 12, 13, 16, 18, 23, 24, 27, 29, 30, 32, 33, 34, 35, 36, 38, 39, 44, 48, 51, 54-ер майдонлари. Бир ер майдонининг бошланғич баҳоси - 300 510 сўм.
2. "Майдонтол" қ.ф.й., "Дўстлик" ф/х, Қушкеш қишлоғида жойлашган, жами 6та: 1, 3, 8, 10, 11, 17-ер майдонлари. Бир ер майдонининг бошланғич баҳоси - 300 510 сўм.
3. "Майдонтол" қ.ф.й., "Дўстлик" ф/х, Мамут қишлоғида жойлашган, 15-ер майдони. Бошланғич баҳоси - 300 510 сўм.
4. "Майдонтол" қ.ф.й., "Пахтачи" ф/х, Жамғирчи қишлоғида жойлашган, жами 10та: 4, 7, 10, 11, 12, 15, 16, 18, 22, 38-ер майдонлари. Бир ер майдонининг бошланғич баҳоси - 300 510 сўм.
5. "Майдонтол" қ.ф.й., "Пахтачи" ф/х, Жалоир қишлоғида жойлашган, жами 3та: 5, 8, 28-ер майдонлари. Бир ер майдонининг бошланғич баҳоси - 300 510 сўм.
6. "Майдонтол" қ.ф.й., "Пахтачи" ф/х, Эғизовул қишлоғида жойлашган, жами 3та: 6, 7, 8-ер майдонлари. Бир ер майдонининг бошланғич баҳоси - 300 510 сўм.
7. "Қўрғонча" қ.ф.й., Қўрғонча қишлоғида жойлашган, жами 45та: 4, 5, 6, 14, 15, 16, 17, 18, 21, 22, 24, 25, 26, 27, 32, 33, 34, 40, 42, 43, 44, 50, 51, 53, 54, 56, 58, 59, 63, 65, 69, 71, 78, 81, 83, 84, 85, 86, 93, 97, 98, 99, 103, 104, 105-ер майдонлари. Бир ер майдонининг бошланғич баҳоси - 300 510 сўм.
8. "Қўрғонча" қ.ф.й., (эски мол бозори ўрни)да жойлашган, жами 14та: 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15-ер майдонлари. Бир ер майдонининг бошланғич баҳоси - 300 510 сўм.
9. "Қўрғонча" қ.ф.й., "Балиқчи" ҳўжалиғида жойлашган, жами 43та: 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 30, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 47, 48, 49, 50-ер майдонлари. Бир ер майдонининг бошланғич баҳоси - 300 510 сўм.
10. "Қўрғонча" қ.ф.й., "Абай" ф/х, Улжа қишлоғида жойлашган, жами 13та: 4, 5, 8, 10, 12, 13, 17, 18, 22, 23, 24, 28, 29-ер майдонлари. Бир ер майдонининг бошланғич баҳоси - 300 510 сўм.
11. "Гул" қ.ф.й., "Ужакент" ф/х, Гул қишлоғида жойлашган, жами 5та: 3, 4, 5, 6, 8-ер майдонлари. Бир ер майдонининг бошланғич баҳоси - 300 510 сўм.
12. "Кетмонтепа" қ.ф.й., "Улғабек" ф/х, Минг Чинор қишлоғида жойлашган, жами 16та: 3, 4, 7, 8, 16, 35, 36, 37, 38, 44, 48, 49, 50, 61, 65, 74-ер майдонлари. Бир ер майдонининг бошланғич баҳоси - 300 510 сўм.
13. "Тошқол" қ.ф.й., "Навоий" ф/х, Найман қишлоғида жойлашган, жами 6та: 3, 7, 8, 10, 11, 12-ер майдонлари. Бошланғич баҳоси - 300 510 сўм.
14. "Янги ҳаёт" қ.ф.й., "Янги ҳаёт" ф/х, Ватан қишлоғида жойлашган, жами 5та: 6, 7, 8, 13, 14-ер майдонлари. Бир ер майдонининг бошланғич баҳоси - 300 510 сўм.
15. "Янги ҳаёт" қ.ф.й., "Гулистон" ф/х, Ҳўжаовул қишлоғида жойлашган 61-ер майдони. Бошланғич баҳоси - 300 510 сўм.
16. "Дўстобод" шаҳри, 2-сон маҳалла, 3-ККК мавзесида жойлашган, жами 27та: 11, 12, 15, 16, 17, 18, 19, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 33, 49, 53, 54, 55, 56, 57, 58, 59, 60-ер майдонлари. Бир ер майдонининг бошланғич баҳоси - 400 680 сўм.
17. "Дўстобод" шаҳар, 3-сон маҳалла, Охунбоев кўчаси (Меҳнат бўлими ёнида) жойлашган, 5-ер майдони. Бошланғич баҳоси - 400 680 сўм.
18. "Дўстобод" шаҳар, 4-сон маҳалла, Шифокор кўчаси (эски мактаб ўрни)да жойлашган, жами 5та: 2, 6, 9, 11, 12-ер майдонлари. Бир ер майдонининг бошланғич баҳоси - 400 680 сўм.
19. "Дўстобод" шаҳар, 5-сон маҳалла, К.Шарқ кўчаси (эски Семистанция, "Бинокор А", "Хурбуви" ф/х ўрни)да жойлашган, жами 30та: 1, 2, 3, 4, 5, 7, 8, 9, 12, 13, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36-ер майдонлари. Бир ер майдонининг бошланғич баҳоси - 400 680 сўм.
20. "Ўзбекистон беш йиллиги" қ.ф.й., "Ўзбекистон 5 йиллиги" ф/х, Пахтазор бўлимида жойлашган, 58-ер майдони. Бошланғич баҳоси - 400 680 сўм.
21. "Ўзбекистон беш йиллиги" қ.ф.й., "Ўзбекистон 5 йиллиги" ф/х, Пахтазор бўлими (эски ПМК ўрни)да жойлашган, жами 20та: 7, 8, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 22, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34-ер майдонлари. Бир ер майдонининг бошланғич баҳоси - 400 680 сўм.
22. "Ўзбекистон беш йиллиги" қ.ф.й., "Ўзбекистон 5 йиллиги" ф/х, Дўстлик бўлимида жойлашган 2-ер майдони. Бошланғич баҳоси - 400 680 сўм.
Ер майдонлари 2008 йил 29 январь куни сотилишга тақдирда, такоррий аукцион савдосига 5, 12, 19, 26 январь ва 5, 12, 19, 26 февраль кунлари соат 12.00 да ўтказилади. Аукцион савдосига иштирок этиш учун талабдорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан уч кун олдин тўхтатилади. Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабдорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган зақалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини "Савдо ташкилотчиси" РКМБнинг АТИБ "Ипотекабанк"нинг С.Раҳимов ф/даги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Уразбоев кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz

ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичиди) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2009 йил 29 январь соат 16.00 да очик тендер ўтказилади.

- 1. ВХ-485 "Қибрай АШБ-Шахристон - 17-шаҳар шифохонаси"
2. ВХ-481 й.т. "Ғишт завод (Тўқимачилик) - Пахтазор АШБ"
3. ВХ-471 й.т. "Бобур маҳалласи - Жанубий вокзал АШБ"
4. ВХ-454 й.т. "Иттифоқ маҳалласи - Жанубий вокзал АШБ"
5. ВХ-286 "Янгийўл ш. ЎзМЭИ - С. Раҳимов м.б. АШБ"
6. ВХ-469 "С. Раҳимов ф/у - Чорсу савдо маркази"
7. ШИ-1 "Паррандачилик фабрикаси - Дам олиш уйи" (Янгийўл ш.)
8. ШИ-12 й.т. "МБФ бекати - ОТМК тормоққа ҳўжалиги" (Олмалик ш.)
9. Битта пакет билан:
ВХ-287 "Янгийўл АШБ - Олмазор кўрғони"
ВХ-289 "Янгийўл АШБ - Миришкор қишлоғи"
ВХ-293 "Янгийўл АШБ - Ҳўжаовул қишлоғи"
ВХ-296 "Янгийўл АШБ - Паррандачилик фабрикаси"
ВХ-302 "Янгийўл АШБ - Сергели-7 АШБ"
10. Битта пакет билан:
ВХ-484 "Култепа маҳалласи - Чилонзор буюм бозори"
ВХ-482 "Келес шаҳри - Пахтазор АШБ"
ВХ-483 "Култепа қишлоғи - Чорсу савдо маркази"
ВХ-484 "Навоий ф/у 2-бўлим - Чорсу савдо маркази"



Очик тендерда мукчилик шаклидан қаты назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турручи ва автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро-вилоят ичиди йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин. Тендер ташкилотчиси - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2008 йил 3 мартдаги 43-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичиди) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси. Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунова кўчаси, 4/68-уй. Очик тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичиди) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига "Усанотқурилиш Банк" (ОПЕРО ТГРФ УЗПСБ)нинг Тошкент шаҳридаги Минтақавий бўлими 20210000404661167001 х/р (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХТТУТ 51600)га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдориди пул ўтказиб, 2009 йил 24 январьга буюртма беришлари лозим. Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичиди) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер тақдирларини 2009 йил 28 январь соат 17.00 гача қабул қилади. Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 17-уй. Вилоят ҳокимиятининг кичик мажлислар зали. Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.

2008 йил - Ёшлар йили

ИЗЛАГАНГА ИШ ТОПИЛАДИ

"Ёшлар йили" Давлат дастурининг асосий бандларидан бири ёшларни илмга, касб-хунарга йўналтириш баробарида иш билан таъминлашдир. Туманимизнинг давлат дастури ижросига қаратилган чора-тадбирлар режасида шу масала кенг ўрин берилган. Бизнинг бандликка кўмаклашувчи марказимиз ўз фаолиятини ана шу режа асосида олиб борди.

2008 йилда марказимизда 2338 нафар ёшлар ишга жойлаштирилган масаласида му-

жаат қилишди. Шулардан 1418 нафари иш билан таъминланди. 847 нафарига тегишли маслаҳатлар берилди.

Ёшларни ишга жойлаштиришда меҳнат ярмаркалари асосий омил бўлиб хизмат қилапти. Масалан, ярмаркада қатнашган 727 нафар ёшлардан 511 нафари ўзларига маъқул йўналишлар буйича ишга жойланди. 336 нафар ёшлар ва хотин-қизлар турли касблар буйича ўқишга жалб этилди.

Чекка қишлоқларда иш жойлари чекланганлигини

ҳисобга олиб, ёшларнинг тумандан ташқаридаги мавжуд бўлиши жойларига қатнаб ишлашлари учун шарт-шароит яратаямиз. Жумладан, Тошкент шаҳридаги турли маҳаллий ва қўшма корхоналарда Бошқизилсой, Номданақ, Заркент, Самсарак, Қорақалпоқ қишлоқларида 650 дан зиёд ёшларимиз қатнаб ишламоқдалар.

Солибой ТҲҲИЕВ,
бандликка
кўмаклашувчи марказ
директори.



СУРАТЛАРДА: 40-мактабнинг 3-синф раҳбари Шаҳло Абуазимова ўқувчилари даврасида; Зулфия номиндаги давлат мукофоти танловининг вилоят босқичи ғолиби Сурайё Маъмурбоева устози Пўлат Ёқубов билан.

Таълим

Бугунги кунда туманимиздаги 3 та касб-хунар коллежи ва 47 та умумтаълим мактабларида 30 минг 800 дан зиёд ўқувчи таълим-тарбия олмақда. 2270 нафардан зиёд ўқитувчилар уларга энг замонавий ўқув воситалари ёрдамида сабоқ бермоқдалар. 2100 кичикойил эса мавжуд 18 та бочада тарбияланмоқда.

ДАСТУР ИЖРОСИ НАЗОРАТДА

Халқ таълими бўлими "Ёшлар йили" Давлат дастури ижросини талаб даражасида таъминлаш мақсадида 2008 йил учун махсус тадбирлар дастурини ишлаб чиқди. Унда белгиланган вазифаларнинг вақтида ва изчил бажарилиб боришини таъминлаш мақсадида махсус штаб тузилган бўлиб, унинг аъзолари дастурининг жойлардаги ижросини назорат қилишмоқда.

Халқ таълимининг моддий-техник базаси қандай даражада бўлса, таълим-тарбиянинг савияси ҳам шунга яраша бўлиши табиий ҳол. Биз эҳтиёжга қараб, янги мактаб ва қўшимча синфхоналар қуриш, мавжудларни қайта ва жорий таъмирлаб, энг замонавий ўқув воситалари билан жиҳозлашга биринчи галдаги вазифа сифатида эътибор қаратаёلمиз. Шу боис умумтаълим мактабларимизда қурилиш-таъмирлаш ишлари дастурда белгиланган режа асосида олиб борилмоқда. Шулардан 8 таси янги ўқув йилига тайёр қилиниб, дарслар вақтида бошланғич таъминланди. 17-мактабда қайта қуриш, 47-мактаб учун эса, янги бино қуриш ишлари давом этмоқда.

Бу борада белгиланган ишларга 295 миллион сўмдан зиёд, шу жумладан 25,6 миллион сўм хомиялар маблағи сарфланди. Қайта қурилган ва таъмирланган мактаблар учун 120 миллион сўмлик ўқув-лаборатория ва спорт анжуманлари ҳамда махсус хоналар учун жиҳозлар олинди.

Шунингдек, мактабларда дарс жараёнидаги ўқув-усlubий жиҳатдан таъминлашни таъминлаш мақсадида белгиланган чора-тадбирлар асосида 15-, 27-, 29-мактаблар 900 минг АҚШ доллари миқдоридан чет эл грантлари ҳисобига ўқув-усlubий таъминотини яхшилаб олди.

Замонавий мактаблар қуриш ҳамда мавжудларини ана шу талаблар асосида қайта қуриш ва таъмирлаш жараёнида болалар спорт моддий-техник базасини ҳам мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Туманимизда 4 та мактаб учун спорт заллари ва ишонотлар қуриш режалаштирилган. Жумладан, 40- ва 47-мактаблардаги спорт заллари қурилиши няхосига етказилди. 17-мактабдаги спорт зали қурилиши ҳам якунидаги арафасида.

Таълим-тарбия савиясини

давр талаби даражасига қўриш учун ҳамма мактабларда юқори малакали педагог кадрлар етарли бўлиши лозим. Шунинг билан бир қаторда ўқитувчиларимизнинг билим ва маҳоратларини ошириш тадбирларини аниқ режа асосида ўтказаямиз. Жумладан, туман мактаблари ўқитувчиларининг маълумоти, ихтисоси ва ёши ўрганилиб, 2012 йилгача даврда уларга бўлган эҳтиёж аниқланди ва вилоят халқ таълими бошқармасига тегишли тақлифлар киритилди.

Ўқитувчиларнинг ўз устидан таъминоти, илминини, малака ва тажрибаларини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларини рағбатлантириш чоралари яхши самара берапти. Ўқувчилари фан олимпиадаларида совринли ўринларни эгаллаётган ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш доимий анъанасига айланган. "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" танловида муваффақиятли иштирок этган 1-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Бахтиёр Соатов, 12-мактабнинг физика фани ўқитувчиси Саида Хусанова, она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Мунтазам Тиллабоева бир ойлик маш боилан рағбатлантирилди.

Ўқувчи ёшларнинг, айниқса, мактаб ёшидаги болаларнинг қизиқиши, интилиши ва қобилияти ўрганиб чиқилиб, маълумотлар базаси яратилди. Суровномада 3019 ўқувчи иштирок этиб, улардан 200 нафари таълим, 120 нафари тиббиёт, 360 нафари қишлоқ хўжалиги, 400 нафари тадбиркорлик, 300 нафари транспорт, 160 нафари санот ва қурилиш соҳасини танлаганликларини маълум қилишди. Қолганлари эса, 10-синфда ўқиниши давом эттириш истагини билдиришди. Суровномалар натижасига қараб, болаларни умумий ўрта таълим, 9-синфларни битирувчиларни эса, ўрта махсус касб-хунар таълими билан қамраб олиш юзасидан статистика ҳисоботи ва улзуклиқ мониторинг тизими жорий этилди.

Хулоса қилиб айтганда, "Ёшлар йили" дастури ва, умуман, "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури" да белгиланган вазифаларнинг давр талаби даражасида бажарилишига эришиш мақсадида барча имкониятлардан тўла ва самарали фойдаланишга ҳаракат қилаёلمиз.

Аскар Усмонов,
туман халқ таълими бўлими mudiri.

ПАРКЕНТ ТУМАНИ БУЮК АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ АВЛОД ТАРБИЯ ТОПМОҚДА

- Товлар бағридаги гўзал воҳа - Паркент туманида 124 мингдан зиёд аҳоли яшаб, меҳнат қилади. Уларнинг 66,7 мингдан зиёдроғи, яъни 52,6 фоизи ёшлардир.
- Туманда 9 та қишлоқ ва 31 та маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият юртимокда.
- 25313 киши халқ хўжалиги тармоқларида, 11844 киши қишлоқ хўжалиги соҳасида фойдаланиш билан банд.
- Туманда 6 та саннат корхонаси, 9 та қўшма корхона, 432 та кичик корхона, жами 4705 та хўжалик юртувчи субъект ишлаб турибди.
- Бешта корхона ўз маҳсулотларини чет элларга экспорт қилмоқда.
- Саннат корхоналарида 7,5 миллиард сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда.
- Туманда халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш ҳажми 11 миллиард сўмга етди.
- Қишлоқ хўжалик тармоғида ҳар йили 16 минг 600 тонна атрофида қалма, 4300 тоннадан зиёд картошка, 23,4 минг тоннадан кўпроқ сабзавот, 9,9 минг тоннага яқин мева, қарийб 33 минг тонна узум етиштирилади.
- Туманда 34 минг бошдан орпик қорамол, 63 минг 800 бошга яқин қўй-эчки боқилмоқда.

«Камолот»:

ИҚТИДОРЛИЛАР ВА ИСТЕЪДОДЛИЛАР ТАШКИЛОТИ

Хозир туман кенгаши қошида 71 та бошланғич ташкилот тузилган бўлиб, уларнинг 52 таси таълим муассасаларида фаолият олиб бормоқда. Бошланғич ташкилотлар энг иқтидорли, ташаббускор ва ҳаракатчан ёшлар билан ўз сафларини кенгайтириб, бошқа тенгдошларини билим ва касб-хунарларни пухта эгаллашга, тинимсиз олға интилишга даъват этмоқда.

Жойлардаги барча ташкилотларимиз ўз фаолиятларини мустақил фикрлайдиган, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қарайдиган, қатъий ҳаётий эътиқод ва қарашларга эга бўлган, миллий менталитетимизга ёт, зарарли оқим ва уларнинг таъсирига қарши туришга қодир ёшларни тарбиялаш буйича Ёшлар йили учун ишлаб чиқилган махсус чора-тадбирлар асосида олиб бормоқда. Режадаги тадбирлар халқ таълими ҳамда маданият ва спорт ишлари бўлимлари, маънавият-тарғибот марказлари, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

Туман тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида уюштирилган "Ёшлар маънавиятини шакл-

ФАРОВОНЛИККА ҲИССА

ҚўШАЁТганимдан МАМНУНМАН

Туманимиз халқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг 46,6 фоизи қишлоқ хўжалиги тармоғида меҳнат қилаётган бўлиб, 68,7 минг гектар экин майдони, шундан 15 минг гектардан зиёд сувили, 16 минг гектарга яқин ҳайдаладиغان ерлар улар тасарруфидир.

Ҳар йили 8 минг гектар майдонда бошоқли дон, 4300 гектарда картошка, 1050 гектарда сабзавот маҳсулотлари етиштирилади. Мева ва боғларимиз 1630 гектардан зиёдрок, узумзорлардан эса, 3900 гектардан ошди.

Мен раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги тасарруфиде 65 гектар сувли ер, 50 гектар лалми ва 200 гектар ҳисобида йилв бор. Қўриқ турибдики, биз

чорвачилик билан ҳам шуғулланаямиз. 150 бош қорамол, 350 бош қўйимиз бор. Туманимиз аҳолисига гўшт ва гўшт маҳсулотлари етказиб бериб, уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга имкон қадар ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз.

Энг муҳими шуки, мен қишлоқ мулкдорли сифатида 74 кишини муҳим иш билан таъминлаётиман. Уларнинг саяё-ҳаракатлари би-



СУРАТДА: туман акушерлик мажмуи акушер-гинеколог Нишуфар Тожибоева, ҳамшира Наима Исмоилова ва доя Ойдин Сарибоева иш пайтида.

ТИББИЙ ЁРДАМГА ДОИМ ШАЙМИЗ

Хасталик - инсон ҳаёти учун энг хатарли хавф. Негаки, у кутулмаганда таҳдид солади ва вақт билан ҳисоблашмай, хуруж қилади. Шундай экан, муолажага ҳам зудлик билан киришни, бунинг учун аввал тўри тахшис қўйиб олиш зарур бўлади. Бу эса, маълум вақт талаб қилинадиган жараён. "Касални даволагандан унинг олдини олган осон" дейилишининг сабаби шунда.

Айтмоқчиманки, бизнинг туман тиббиёт бirlашмасида айнан касалликларнинг олдини олиш масаласида муваффақият қозонди. "Ёшлар йили" Давлат дастурининг ижросига оид махсус режамизни шу асосда тузганмиз. Ушбу дастурига мувофиқ, аввало, ёшларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, оилаларда тиббий маданиятни қарор топтиришга ҳаракат қилаёلمиз. Бунинг учун

улар тулик тиббий кўриқдан ўтказилиб, аниқланган беморлар диспансер ҳисобига олинмоқда ва вақтида соғломлаштириш чоралари қўрилади. Махсус тузилган ишчи гуруҳи бу вазифа устидан ҳар ойда мониторинг ўтказиб бормоқда.

Касалликларнинг олдини олишда ҳам, вақтида сифатли даволашда ҳам замонавий асбоб-ускуналар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунинг билан бир қаторда тиббий маданиятни қарор топтиришга ҳаракат қилаёلمиз. Бунинг учун

улар тулик тиббий кўриқдан ўтказилиб, аниқланган беморлар диспансер ҳисобига олинмоқда ва вақтида соғломлаштириш чоралари қўрилади. Махсус тузилган ишчи гуруҳи бу вазифа устидан ҳар ойда мониторинг ўтказиб бормоқда.

Касалликларнинг олдини олишда ҳам, вақтида сифатли даволашда ҳам замонавий асбоб-ускуналар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунинг билан бир қаторда тиббий маданиятни қарор топтиришга ҳаракат қилаёلمиз. Бунинг учун

Сабриддин ТУРБОВ,
туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи.

НОМДАНАГИМ, ИЛҲОМИМ МЕНИНГ!

Паркент - юртимизнинг энг гўзал воҳаларидан бири. Мен туғилиб ўсган Номданақ қишлоғи ундандан сўлим. Айниқса, одамларини айтмайсизми. Содда, самимий, меҳр-оқибатли.

Бетакдор гўзал табиат қўнида, дилкаш, меҳрибон одамлар орасида улғайиб, вояга етганим учунми, ўн ёшимдаёқ қўлимга қалам олиб, мурғаккина қалбимда жўш ураётган ҳис-туйғуларимни қоғозга тўкиб солишга кучли эҳтиёж устиде сездим. Аввалига тўртликлар, кичик-кичик шеърлар билан қоғоз қора-

ладим. Бора-бора туйғуларимни насрда ифода этишга ҳавас уйғонди. Шу тариқа адабиёт оламида атак-чекка қилиб, ижодий изланишимни янада иштиёқ билан давом эттирдим.

2003 йилни ўзим учун энг бахтли, ижодий фаолиятимда катта бурилиш ясаган йил сифатида эслаб юрсам, ажаб эмас. Аввало, шу йили

нинг халқро журналистика факультетига имтиёзли тарзда ўқишга қабул қилиндим. Бу ютуқларни Юртбошимизнинг биз, ёшларга ишончи ва чекизи ғамхўрлиги, ҳукуматимиз яратиб бераётган шароити имкониятлар натижаси эканлигини яхши тушунаман ва бу ишончнинг ёруғ юз билан оқлаш учун имконим борича ҳаракат қиламан.

Шаҳноза ШОЖАЛИЛОВА,
Зулфия номидagi давлат мукофоти совриндори.

ОММАВИЙ КАСБ ЭГАЛАРИ БИЗДА ТАЙЁРЛАНДИ

"Қадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни изчил амалга оширишда академик лицей ва касб-хунар коллежларининг аҳамияти беқийс.

2006 йили фаолият бошлаган бизнинг тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежисиде бухгалтерия ва аудит, тивуқчилик ва моделлаштириш, солиқ тизими ва солиққа тортиш, ахборот-кутубхона, банкларда бухгалтерия ҳисоби, маънавий хизмат, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, компьютер тармоқларини ишлатиш ва уларнинг дастурий таъминоти, ҳуқуқшунос-

лик ва спорт соҳалари учун кадрлар тайёрлади.

Қўриқ турибдики, бундай энг оммавий касб эгаларига талаб ва эҳтиёж, бенисбатно, ҳамма ерда жуда катта. Шунинг учун коллежисидеги 26 та ўқув, 3 та лаборатория, 4 та лингафон ва битта компьютер хонаси энг замонавий ўқув воситалари билан таъминланган. Ўқувчиларга 57 нафар олий маълумотли педагог ва 36 на-

фар ишлаб чиқариш таълими усталари билим бермоқда.

Ўқувчиларимизнинг касбларни пухта эгаллаш билан бирга чўқур билим олишга ишлаб турган фан тўғрисидаги хизмати самарали бўлапти. Айниқса, ёш чеварлар, математика, тарих, информатика, спорт тўғрисидаги ўқувчилар ўртасида қизиқиш катта.

Зокиржон НУРОВ,
тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи директори.

Саҳифани «Тошкент ҳақиқати» муҳбирлари Абдусамад ЙҮЛДОШЕВ ва Еркебой БОТИРОВ (суратлар) тайёрлади.

